



Наминган вилоятга ҳошимнинг ягона буюртмани ижра қилишнинг қамалмасининг
 (қазиллик, янвора, буюртманы ҳазиллик қилиш) 2022 йили 28 октябрдаги 408-сонли қарорига асосан буюхмет маблагларни ҳисобига амалга оширилган
 (Давлатчилик саноати ва уй-қоғоз объектлари) бўйича
 2022 йилги МАНЗИЛИ РЎХНАТИ

№	Объектлар номи ва мекони	Қурилми босқиниш ва бойланишти а тошлари Яили	Дойжа қуввати	Объектнинг умумий қиймати (шартнома восилои) қуввати, буюртмачи бошқа харажатлари	01.01.22 й. қолган янвора қуввати	01.01.22 й. янвора қуввати	2022 йил учун қилинган қўйилмавлар лимити	2022 йилда қилинган қўйилмавлар			2022 йилда қилинган қўйилмавлар	2022 йилда қилинган қўйилмавлар	01.01.23 й. қолган янвора қуввати	01.01.23 й. қолган янвора қуввати	Энергия ҳужжатлари ва санъат рақами	Тендер (қамал) дар қилинган бўйича баёнинома рақами ва санъат	Ташкилот номи
								2022 йилда қилинган қўйилмавлар	2022 йилда қилинган қўйилмавлар	2022 йилда қилинган қўйилмавлар							
31	Наминган вилоят бўйича жами						17 970 000	16 985 349	984 651								
2	Мақсадга татбиқ қилинган бўйича						3 409 146	3 265 095	144 050			3 116 416					Танлов
1	Учқорон т. Рудабоб МФЙ худудидати 120 ўринли 21-мақсадга татбиқ қилинган бўйича						1 650 000	1 589 430	67 570								Танлов
2	Чуқ т. Истиқлол МФЙ худудидати 36-сонли МТН қилинган бўйича						1 759 146	1 662 665	76 481								Танлов
3	Уй-жойлар бўйича						1 783 701	1 700 900	82 801								
1	Учқорон т. Саннат МФЙ дати 2-қўри қилинган бўйича						502 753	487 396	15 357								"ЎЗЎБЕК ПЛАСТ СЕРВИС"МЧК
2	Учқорон т. Қўрай МФЙ 5 та қўри қилинган бўйича						726 857	697 505	29 352								"ЎЗЎБЕК ПЛАСТ СЕРВИС"МЧК
3	Учқорон т. Брқинадет МФЙ дати 37-38-сонли қўри қилинган бўйича						554 092	516 000	38 092								"ЎЗЎБЕК ПЛАСТ СЕРВИС"МЧК
6	Спорт объектлари бўйича						3 200 000	3 021 200	178 800								
1	Давлатга татбиқ қилинган бўйича						850 000	809 400	40 600								Танлов
2	Давлатга татбиқ қилинган бўйича						350 000	322 600	27 400								Танлов

(қилинган бўйича)

№	Объектлар номи ва мазмун	Қўрилш бошланш ва фойдаланиш 1 топшириш йили	Лоика қуввати	Объектнинг умумий қиймати (шартнома асосида) бўлган, бошқа харajatлари	01.01.22 й. ҳолатига илдан илдан оьект қиймати (қайта хисоблаш билан) бўлган, бошқа харajatлари	01.01.22 й. ҳолатига илдан илдан оьектнинг умумий қиймати (қайта хисоблаш билан) бўлган, бошқа харajatлари	01.01.22 й. ҳолатига илдан илдан оьектнинг умумий қиймати (қайта хисоблаш билан) бўлган, бошқа харajatлари	2022 йилда қўйилмадар лимити			2022 йилда фойдаланишга топширилган		01.01.23 й. ҳолатига илдан илдан оьектнинг умумий қиймати (қайта хисоблаш билан) бўлган, бошқа харajatлари	01.01.23 й. ҳолатига илдан илдан оьектнинг умумий қиймати (қайта хисоблаш билан) бўлган, бошқа харajatлари	Экспертаза хулосаси рақими ва санаси	Танлов (танлов)лар натижасида бўлиши бевариноа рақими ва санаси	Танлов номи	
								Жами капитал қўйилмадар	Қўрилш - монтаж ишлари	Жиҳоз	Бўроғиччи бошқа харajatлари	Қўйилш, санаси харajatлари						Ассей фонд суммаси
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19
15	Учургон тумани "Шадларжа" МФЙ биносини мукамал таъмирлаш*	2022й	Объект				300.000	279.000		21.000								Танлов
16	Чортоқ тумани "Тулдаров" МФЙ биносини реконструкция қилиш	2022й	Объект	682.244 35.000	682.244 35.000	682.244 35.000	682.244 35.000	517.795		35.000						Эк-2411.2022Н №7/442		Танлов
17	Чўст тумани "Ўзбекистон" МФЙ учун янги маъмурий бино қўриш*	2022й	Объект				590.000	559.000		31.000								Танлов
18	Чўст тумани "Тулдаров" МФЙ маъмурий бино қўриш*	2022й	Объект				590.000	559.000		31.000								Танлов
19	Чўст тумани "Навабор МФЙ биносини мукамал таъмирлаш	2022й	Объект	411.820 21.000	411.820 21.000	411.820 21.000	333.656	312.656		21.000					Эк-2411.2022Н №7/54			Танлов
20	Чўст тумани "Боғи эрам" МФЙ биносини мукамал таъмирлаш	2022й	Объект	307.288 22.000	307.288 22.000	307.288 22.000	250.231	228.231		22.000					Эк-2411.2022Н №7/432			Танлов

Илоҳ: *) Учургон туманининг ҳолатига асосан объектнинг қўрилш ва фойдаланиш йили белгилаб берилган.

"ҚИРИЛДИ"



Наманган вилояти ҳокими ўринбасари
Ягона буюртма илҳизмларини
компанияга ариқларни

"КЕЛИШИЛДИ"



Ўзбекистон Республикаси
Моллия вазирлигининг Наманган вилояти
Моллия Бош бўлими раиси

"КЕЛИШИЛДИ"



Наманган вилояти
Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни
қўлқўллаш бўлими раиси

И.Абдуғаниев

МУХОКАМА АХБОРОТИ

“30” ноябр 2022 йил

Наманган.ш

Наманган вилояти ҳудудидаги Наманган вилоят ҳокимлигининг ягона буюртмачи инжиниринг компанияси томонидан 2022 йил “17” ноябрдаги 22110012193052-сонли лотга асосан Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни 56 ва 58 – моддалари талабларидан келиб чиқиб энг яхши таклифларни танлаш тури бўйича Учқўрғон тумани Саноат МФЙ Байналминал кўчасидаги 2-сонли кўп қаватли турар-жой биносини том қисмини замонавий тунка томга алмаштириш ва фасад қисмини таъмирлаш учун харидлар амалга оширилиши режалаштирилган. Шунга асосан белгиланган муддатлар асосида Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни – 60 ва 61 моддалари талабларидан келиб чиқиб танлов савдолари ўтказилди. Мазкур танлов савдолари якуни бўйича «FOZILBEK PLAST SERVIS»МЧЖ томонидан берилган таклифлар комиссия аъзолари иштирокидан энг мақбули деб топилди. Ушбу танлов жараёнлари бўйича расмийлаштирилган баённомалар “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни 62 моддасига асосан давлат буюртмачиси томонидан у расмийлаштирилган кунда давлат харидларининг электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Шунга асосан икки иш куни ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмади. Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилиши мумкин ҳисобланиши белгилаб олинди. Муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътирозлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

Ташкилоти раҳбари



Д.Матмусаев



"УТВЕРЖДАЮ"
 Директор ИК ЕЗ Наманганского
 областного хокимията

Д.Матмусаев

от " _____ " _____ 20__ г.

ТИТУЛЬНЫЙ СПИСОК СТРОЙКИ

Раздел I. Основные данные по стройке

1. Наименование и местонахождение стройки	Учкургон т "Саноат" МФЙ даги 2-кўп қаватли уйнинг том қисмини замонавий тунука томга алмаштириш ва фасад ыасмини таъмирлаш	
2. Отрасль	Прочие	
3. Инвестор	За счёт местного бюджета	
4. Заказчик	Инжиниринговая компания Наманганского обл.хокимията	
5. Разработчики		
5.1. ТЭО		
5.2. ПСД и/или ТД	ПСД	
5.3. Экспертизы	Экс-16.11.2022й	
6. Генеральный подрядчик	"FOZILBEK PLAST	
7. Источник финансирования	За счёт местного бюджета	
8. Срок начала и окончания строительства	1-кв 2021 г	
9. Основные показатели стройки	По ПСД	Остаток на 1.01.2022 г.
Мощность (в соответ.единицах измерен.)	120-ўрин	120-ўрин
Основные фонды	502,753	502,753
Капитальные вложения	502,753	502,753
Строительно-монтажные работы	487,396	487,396
Оборудование, инвентарь		
Прочие работы и услуги	15,357	15,357
Содержание службы заказчика	0,000	0,000

Прогноз на 2022 год в соответствии с согласов. с ММЭС и МФ адресным списком	в договорных ценах (млн.сум)	
Мощность (в соответ.единицах измерен.)	120-ўрин	
Основные фонды	502,753	
Капитальные вложения	502,753	
Строительно-монтажные работы	487,396	
Оборудование, инвентарь		
Прочие работы и услуги	15,357	
Содержание службы заказчика		

Раздел II. Поквартальная разбивка прогноза на 2022 год

(в текущих ценах, млн.сум)

	Всего на год	в том числе по кварталам:			
		1	2	3	4
Ввод мощности	120-ўрин				120-ўрин
Основные фонды	502,753				502,753
Капитальные вложения	502,753				502,753
Строительно-монтажные работы	487,396				487,396
Оборудование, инвентарь					
Прочие работы и услуги	15,357				15,357
Содержание службы заказчика					



Подрядчик:
 Начальник
 "FOZILBEK PLAST
 SERVIS"МЧЖ

Я.Махмудов

Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 193052 на приобретение Учқўрғон тумани Саноат МФЙ Байналминал кўчасидаги 2-сонли кўп қаватли турар-жой биносини том қисмини замонавий тунка томга алмаштириш ва фасад қисмини таъмирлаш

Способ проведения электронный

Дата 26.11.2022

Время рассмотрения 24.11.2022 19:18

Закупочная комиссия Наманган вилояти хокимлиги ЯБИК (Обод кишлок), (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	YULDASHOV KOMILBOY GANIYEVICH	Иқтисодий масалалар бўйича директор ўрин босари	Наманган ЯБИК
Секретарь комиссии	RIZAYEV G'OFIRJON G'ULOMJONOVICH	Мутахассис	Вилоят ЯБИК
Член комиссии	DEDAXANOV FARXOD BAXODIROVICH	Бош мутахассис	Наманган вилояти Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси
Член комиссии	ALIMOV DONIYOR MAMATXONOVICH	земеститель директора	ГАСН
Член комиссии	ABDURAZAQOV ABDUSALOM ABDUSATOROVICH	Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитасининг Наманган вилояти худудий бошқармаси ходими	Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси
Член комиссии	BOBOXONOV SARDOR ALISHER O'G'LI	заместитель начальника отдела	Управление Инвестиций и внешней торговли Наманганской области

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 26.11.2022 года № лота 193052.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.техничко-квалификационной части: 90.00 / Весовой коэф. ценовой части: 10.00)

Мин. балл: 70

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Работы по капитальному ремонту зданий
Подробное описание	Таъмирлаш ишларини бажариш
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	284 643 000.00
Стартовая сумма	284 643 000.00
Валюта	UZS

Наименование товара (работы, услуги)	Работы по капитальному ремонту зданий
Подробное описание	Таъмирлаш ишларини бажариш
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	204 752 821.00
Стартовая сумма	204 752 821.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Танлов иштирокчисининг молиявий аҳволи 3-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов иштирокчисининг молиявий аҳволи асословчи хужжатлари билан

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
МИНОРА МЕГА -С	19	440456238	9	Экспертная		
"FOZILBEK PLAST SERVIS"МЧЖ	19	8	19	Экспертная		
NAMUNA QURILISH INVEST МЧЖ	19	1	9	Экспертная		

Критерий №2 Хужжатларни имзолаш ва танловда қатнашиш ҳуқуқини берувчи ишончнома 9-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: Хужжатларни имзолаш ва танловда қатнашиш ҳуқуқини берувчи ишончнома

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
МИНОРА МЕГА -С	2	440456238	1	Экспертная		
"FOZILBEK PLAST SERVIS"МЧЖ	2	2	1	Экспертная		
NAMUNA QURILISH INVEST МЧЖ	2	2	1	Экспертная		

Критерий №3 Декларация, Ташкилотнинг ташкилий структураси ва Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар 2-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: Декларация, Ташкилотнинг ташкилий структураси ва Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар асословчи хужжатлари билан

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
МИНОРА МЕГА -С	25	440456238	16	Экспертная		
"FOZILBEK PLAST SERVIS"МЧЖ	25	1	17	Экспертная		
NAMUNA QURILISH INVEST МЧЖ	25	1	18	Экспертная		

Критерий №4 Танлов иштирокчиси танлов вақтида иштирок этаётган ва мазкур танловнинг предмети бўлмиш объектни куриш (реконструкциялаш, таъмирлаш) даврида иштирок этадиган бошқа контрактлар (объектлар) ҳақида маълумот 7-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов иштирокчиси танлов вақтида иштирок этаётган ва мазкур танловнинг предмети бўлмиш объектни куриш (реконструкциялаш, таъмирлаш) даврида иштирок этадиган бошқа контрактлар (объектлар) ҳақида маълумот

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
МИНОРА МЕГА -С	5	440456238	5	Экспертная		
"FOZILBEK PLAST SERVIS"МЧЖ	5	4	5	Экспертная		
NAMUNA QURILISH INVEST МЧЖ	5	4	5	Экспертная		

Критерий №5 Машина ва механизмлар рўйхати 6-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: Машина ва механизмлар рўйхати асословчи ҳужжатлари билан

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
МИНОРА МЕГА -С	21	440456238	11	Экспертная		
"FOZILBEK PLAST SERVIS"МЧЖ	21	5	13	Экспертная		
NAMUNA QURILISH INVEST МЧЖ	21	5	12	Экспертная		

Критерий №6 Танлов иштирокчисининг иш ҳақи жамғармаси ва ҳодимлар ўртача сони бўйича кўрсаткичлари 4-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов иштирокчисининг иш ҳақи жамғармаси ва ҳодимлар ўртача сони бўйича кўрсаткичлари асословчи ҳужжатлари билан

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
МИНОРА МЕГА -С	10	440456238	1	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"FOZILBEK PLAST SERVIS" МЧЖ	10	7	10	Экспертная		
NAMUNA QURILISH INVEST МЧЖ	10	7	8	Экспертная		

Критерий №7 Курилиш майдонини кўрганлик ва лойиҳани ўрганганлик тўғрисида маълумотнома 8-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: Курилиш майдонини кўрганлик ва лойиҳани ўрганганлик тўғрисида маълумотнома

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
МИНОРА МЕГА -С	2	440456238	2	Экспертная		
"FOZILBEK PLAST SERVIS" МЧЖ	2	3	2	Экспертная		
NAMUNA QURILISH INVEST МЧЖ	2	3	2	Экспертная		

Критерий №8 Танловдаги объектга ўхшаш объектлар иш тажрибаси 5-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: Танловдаги объектга ўхшаш объектлар иш тажрибаси асословчи хужжатлари билан

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
МИНОРА МЕГА -С	16	440456238	8	Экспертная		
"FOZILBEK PLAST SERVIS" МЧЖ	16	6	14	Экспертная		
NAMUNA QURILISH INVEST МЧЖ	16	6	16	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
NAMUNA QURILISH INVEST МЧЖ	489 395 821.00	488 395 821.00 UZS	488 395 821.00	00.00	488 395 821.00	24.11.2022 16:45:52	9.97952
"FOZILBEK PLAST SERVIS" МЧЖ	489 395 821.00	487 395 821.00 UZS	487 395 821.00	00.00	487 395 821.00	24.11.2022 16:17:51	10

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
NAMUNA QURILISH INVEST МЧЖ	63.9	9.97952	73.87952
МИНОРА МЕГА -С	Не прошел	Не прошел	Не прошел
"FOZILBEK PLAST SERVIS"МЧЖ	72.9	10	82.9

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 193052 от 26.11.2022 года на приобретение Учқўрғон тумани Саноат МФЙ Байналминал кўчасидаги 2-сонли кўп қаватли турар-жой биносини том қисмини замонавий тунка томга алмаштириш ва фасад қисмини таъмирлаш определила победителем:

"FOZILBEK PLAST SERVIS"МЧЖ
303046596

и резервный исполнитель: NAMUNA QURILISH INVEST МЧЖ (302875413)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	YULDASHOV KOMILBOY GANIYEVICH	Согласен	
Член комиссии	DEDAXANOV FARXOD BAXODIROVICH	Согласен	
Член комиссии	ALIMOV DONIYOR MAMATXONOVICH	Согласен	
Член комиссии	ABDURAZAQOV ABDUSALOM ABDUSATOROVICH	Согласен	
Член комиссии	BOBOXONOV SARDOR ALISHER O'G'LI	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QURILISH VAZIRLIGI
«SHAHARSOZLIK HUJJATLARI EKSPERTIZASI»
DAVLAT UNITAR KORXONASI

Наманган вилояти

Namangan viloyati 160100, Namangan shahri, A.Temur ko'chasi, 105-uy, Tel. (69)-233-02-50, E-mail:
namexpert@umail.uz www.mc.uz www.mc.uz

Holati: Ijobiy

Direktor: Isakdjanov Avazbek Ismondjonovich

Sana:16-11-2022 yil



Yig'ma ekspert xulosasi № 73960

Obyekt nomi «Namangan viloyati Uchqo'rg'on tumani Sanoat MFY Baynalminal ko'chasi hududida 2-sonli ko'p qavatli turar-joy binosini tom qismini zamonaviy tunuka tomga almashtirish va fasadni qisman ta'mirlash»

Buyurtmachi - Namangan viloyat hokimligining Yagona buyurtmachi injiniring kompaniyasi

Bosh loyihachi - "NAMANGAN VILOYAT QURILISH BOSH BOSHQARMASI HUZURIDAGI ARXITEKTURA-REJALASHTIRISH BUROSI" DUK

Litsenziya AL-000815 11.06.2020 yilda O'zbekiston Respublikasi Qurilish vazirligi tomonidan berilgan

Moliyalashtirish manbai - Budget

Bosh pudratchi - Tender asosida

Qurilish turi Mukammal ta'mirlash

Murojaat raqami: № 71141

1. Loyihalash uchun asos

1.1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 25.10.2022 yildagi PQ-408-sonli qarori.

1.2. Xalq deputatlari Namangan viloyati Kengashining 3.11.2022 yildagi VI-34-133-6-0-K/22-sonli va 11.11.2022 yildagi VI-34-134-6-0-K/22-sonli qarorlari.

1.3. Buyurtmachi tomonidan tasdiqlangan, Namangan viloyat Qurilish bosh boshqarmasi, Namangan viloyati Kommunal xizmat ko'rsatish boshqarmasi va Uchqo'rg'on tumani hokimligi bilan kelishilgan loyiha topshirig'i.

1.4. Loyiha va tadqiqot ishlari uchun tuzilgan 2022 yildagi 232-sonli shartnoma.

1.5. Belgilangan tartibda buyurtmachi tomonidan tasdiqlangan ob'ektning nuqson dalolatnomasi.

2. Ekspertiza uchun taqdim etilgan materiallar

2.1. "Ishchi loyiha"ni ishlab chiqish bosqichidagi loyiha hujjatlari:

- Umumiy tushuntirish yozuvi.

- Bosh reja va fasad chizmasi.

- Smeta hujjatlari.

- Nuqson dalolatnoma.

3. Loyiha yechimlarining qisqacha mazmuni

4. Loyihalanayotgan ob'ektning muhandislik ta'minoti:

5. Loyihani kelishilganligi to'g'risida hujjatlar.

- Fasad chizmasi Namangan viloyat Qurilish bosh boshqarmasi va Uchqo'rg'on tumani Qurilish bo'limi bilan kelishilgan.

6. Ekspertiza natijalari.

6.1. Ekspertiza natijalariga ko'ra buyurtmachining boshqa xarajatlarisiz va qo'shimcha qiymat solig'i (QQS) bilan 508640,742 ming so'm miqdorida taqdim etilgan loyiha qiymati 19244,921 ming so'mga kamaytirilib, **489395,821 ming so'm** qilib belgilandi. Xususan:

Qurilish-montaj ishlari:	425561,583	ming so'm
QQS:	63834,238	ming so'm

6.2. Yakuniy xarajat buyurtmachi va pudratchi tomonidan qurilish tugagandan so'ng nazorat o'lchovi natijalari asosida aniqlanadi.

6.3. Ekspertizadan o'tkazish uchun taqdim etilgan loyiha hujjatlarining to'liqligi, ma'lumotlarning ishonchligi yuzasidan buyurtmachi va qabul qilingan loyiha yechimlari yuzasidan ishlab chiquvchi javobgar hisoblanadi.

7. Xulosalar.

7.1. Ekspertiza natijalarini hisobga olgan holda "Namangan viloyati Uchqo'rg'on tumani Sanoat MFY Baynalminal ko'chasi hududida 2-sonli ko'p qavatli turar-joy binosini tom qismini zamonaviy tunuka tomga almashtirish va fasadni qisman ta'mirlash" loyiha qiymati kelgusida ko'rib chiqish va tasdiqlashga tavsiya etiladi.

Bosh mutaxassis: Abdunazarov Nemadjon Abdurazakovich

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

№ 193052

2022 йил 30 ноябр

Наманган ш.

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган **Наманган вилоят хокимлигининг Ягона буюртмачи-инжиниринг компанияси** номидан **Низом** асосида иш кўрувчи компания директори **Д.М.Магмусаев** бир томондан ва кейинги уринларда «Пудратчи» деб юритиладиган «**Фозилбек Пласт Сервис**» МЧЖ номидан **Низом** асосида иш курувчи **корхона раҳбари Я.Махмудов**, иккинчи томондан **Учқўрғон тумани Саноат МФЙ Байналминал кўчасидаги 2-сонли кўп қаватли турар-жой биносини том қисмини замонавий тунка томга алмаштириш ва фасад қисмини таъмирлаш** объекти бўйича ишларини бажаришга доир мазкур пудрат шартномасини тузиб имзоладилар.

I. Тарифлар.

1. Мазкур шартномада қуйидаги тарифлар қўлланилади:

ижро хужжатлари – натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтари хамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа хужжатлар;

қурилиш майдони – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

вақтинчалик иншоотлар – Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

беркитиладиган ишлар – сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

шартнома нархини бўлиб чиқиш – ишларнинг ҳар бир босқичи ва/ёки турлари қийматини аниқ белгиланган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

II. Шартнома мавзуси.

2. **Пудратчи** мазкур шартнома шартларига кўра лойихада кузда тутилган **Учқўрғон тумани Саноат МФЙ Байналминал кўчасидаги 2-сонли кўп қаватли турар-жой биносини том қисмини замонавий тунка томга алмаштириш ва фасад қисмини таъмирлаш** объекти бўйича ишларини бажариш мажбуриятлари олади. **Буюртмачи** эса **Пудратчига** қурилиш ишларини бажариш учун зарур бўлган шароитларни яратиш, уларни қабул қилиш ва маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан ажратилган маблағлар ҳисобидан тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. Шартнома бўйича ишлар қиймати.

3. Мазкур шартнома бўйича **Пудратчи** томонидан бажариладиган ишлар, танлов (тендер) савдоси натижасида аниқланган ва тендер комиссиясининг 2022 йил 26 ноябрдаги №193052–сонли баённома (лот №193052) билан тасдиқланган ишлар қиймати ҚҚС билан **487 395 821 (тўрт юз саксон етти миллион уч юз тўқсон беш минг саккиз юз йигирма бир) сўмни** ташкил этади. 2022 йилда шартномани ажралмас қисми бўлган молиялаштириш графиги ва тасдиқланган манзиллий дастурга асосан 487 395 821 сўм маблағ молиялаштириб берилади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

қурилиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

объектнинг қурилиши бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. Пудратчининг мажбуриятлари

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга 2-иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва/ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

қурилиш майдониغا зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлаш;

қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтказилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироқлари ўрнатиш;

қурилиш таваккалчиликларини суғурта қилиш;

мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

қурилиш майдони қўриқланишини таъминлаш;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкый жавоб беради.

V. Буюртмачининг мажбуриятлари

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага I-иловага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қонунда белгиланган тартибда ёзма хабардор этиш;

молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 3-иловага мувофиқ маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобиданажратилган маблағлардан аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш, агарда маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан ушбу объект қурилиши учун белгиланган муддатда етарли миқдорда маблағ ажратилмаса, буюртмачи ўз ҳисобидан ушбу объект бўйича маблағ тўлаш мажбуриятини олмайди;

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 2 ой давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

VI. Ишларни бажариш муддатлари

10. Шартнома:

миллий валюта «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб;

кейинчалик ЭАВга конвертация қилган ҳолда миллий валютада «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - шартнома қонун ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради.

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Тендер, танлов савдолари натижаси бўйича объектни фойдаланишга топшириш муддати 30 кун.

13. Мазкур шартнома бўйича ишлар ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

VII. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар.

14 **Буюртмачи Пудратчига** шартнома бўйича ишларни умумий, шартномавий-жорий қийматининг **30 фоизи:- 146 218 746 (бир юз қирқ олти миллион икки юз ўн саккиз минг етти юз қирқ олти)** сўмини ташкил этиб, аванс маблағлари белгиланган тартибда молиялаштирилади.

15. **Буюртмачи** томонидан **Пудратчига** аванс ва **жорий молиялаштириш** учун ишларни **бажариш** ва **молиялаштириш** жадвал (2, 3 - илова)лари асос ҳисобланади.

16. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, қурилиш даврига берилган авансни мутаносиб равишда ушлаб қолган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ, маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан маблағ билан таъминлагандан сўнг объектнинг умумий, шартномавий - жорий қийматининг 95 фоизи доирасида амалга оширилиши кўзда тутилиб, шундан 5 фоизи объектни белгиланган тартибда фойдаланишга топширилганлиги тўғрисидаги давлат қабул комиссиясининг далолатномаси, фойдаланишга қабул қилинганлиги ҳақидаги қарор ва авизо тақдим этилганидан сўнг амалга оширилади.

17. Мазкур шартномада белгиланган кафолатли муддати тамом бўлгандан сўнқолган 5 фоизли кафолат қийматини молиялаштириб берилиши ҳақида фойдаланувчи, Буюртмачи ва Пудратчилар иштирокида тузилган далолатнома ёки розилик хати тақдим этилганда объект шартномавий жорий қийматининг қолган 5 фоизи маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобиданажратилган маблағ ҳисобидан молия йили тугагунга қадар тўлаб берилади. Ушбу 5 фоиз кафолат маблағлари учун етарли миқдорда маблағ ажратилмаса, буюртмачи ўз ҳисобидан ушбу объект бўйича 5 фоизлик кафолат маблағини тўлаш мажбуриятини олмайди.

18. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, Наманган туманлараро иқтисодий судига мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадир.

VIII. Ишларни бажариш

19. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини – техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

20. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

21. Пудратчи техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

22. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

23. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

24. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

25. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортиқча тупроқ ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни казиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

26. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни привязка қилиш учун Пудратчига геодезия нуқталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

27. Пудратчи геодезия нуқталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

28. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

29. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нуқталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

30. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

31. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва вилоят Қурилиш соҳасидаги ҳудудий назорат инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

32. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан масъул конструкцияларни оралиқ қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг вилоят Қурилиш соҳасидаги ҳудудий назорат инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

33. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарида киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

34. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир. Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилиғисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

35. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 34-бандининг иккинчи хатбошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно. Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

36. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ қўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларни супуриб-сидиради ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдондан қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

37. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтари юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олинishi, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади. Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қилади. Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Зарур ҳолларда тендер қийматидан чиқмаган ҳолда, Пудратчи Буюртмачи билан келишув тузган ҳолда объектдаги иш турларини белгиланган тартибда ўзгартириш мумкин.

IX. Ишларни кўриқлаш

38. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллангунгача ва қурилиши тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада кўриқланишини таъминлайди.

39. Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулк объект қабул қилиб олинганидан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

X. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

40. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа энгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар

мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати энгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

41. Агар энгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

42. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

XI. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш

43. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

44. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 5 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

45. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

46. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

XII. Кафолатлар

47. Пудратчи:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиҳа ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, техник регламентларёки стандартларга мувофиқлигини;

ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

48. Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида **12 ой** этиб белгиланади. Объект томининг кафолатли муддати камида **12 ой** этиб белгиланади.

49. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида нуқсонлараниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади. Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади. Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

50. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш «Қурилишсоҳасиданазорат» органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича иктисодий судга мурожаат қилишини истисно этмайди.

XIII. Шартномани бекор қилиш

51. Буюртмачи куйидаги ҳолларда шартномани бир томонлама тартибда, Пудратчининг ёзма равишда хабардор қилган ҳолда бекор қилиш ҳуқуқига эга:

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя

этилмаганда, пудратчи томонидан шартнома шартлари курилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда, бундан ташқари Буюртмачи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

52. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда, қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

53. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган курилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

54. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

55. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

56. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XIV. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

57. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

58. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан ажратилган маблағни ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг **0,2 фоизи** миқдорига пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий миқдори кечиктирилган тўлов суммасининг **30 фоизидан** ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

60. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг **15 фоизи** миқдорига жарима тўлайди.

61. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг **0,5 фоизи** миқдорига пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар қийматининг **50 фоизидан** ошмаслиги лозим. Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг **0,5 фоизи** миқдорига пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг **50 фоизидан** ошмаслиги керак. Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, курилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи вилоят Курилиш соҳасидаги ҳудудий назорат инспекциясининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг **20 фоизи** миқдорига жарима ундириш ҳуқуқига эга.

62. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

63. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

XV. Низоларни ҳал этиш тартиби

64. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар келишуви асосида ҳал этилмаган тақдирда, низоли масала қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Наманган туманлараро иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

XVI. Алоҳида шартлар

65. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

66. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

67. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолаган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

68. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

69. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

70. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

71. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 14 сентябрдаги ПФ-6313-сонли Фармони талабларидан келиб чиқиб,

- тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугугандан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатларни содир қилмасиликни;

- тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича хамкорликни таъминлашни;

- ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабатлар юзасидан қонунга ҳилоф равишда норасмий пул ёки моддий кийматликлар олинишига йўл қўйилмаслик ва таклиф этмасликни қафолатлайди.

72. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 3 нусхада тузилди.

XVII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

“Буюртмачи”

Наманган вилояти ҳокимлигининг ягона
буюртмачи инжиниринг компанияси

Манзил: Наманган ш. Амир Темур к. 105

Ўзбекистон Республикаси Молия

вазирлиги ғазначилиги

Ш.х.в* 301821860144017069902110001

ИНН 204 808 298 ОКЭД 70220

Банк номи: Марказий банк Тошкент шаҳар

бош бошқармаси ҳисоб-китоб касса Маркази

Ягона ғазна х/в 2340 2000 3001 0000 1010

МФО 00014 ИНН 201 122 919

Матмусаев Дилшод Махамматюсунович

М.Ў

(Имзо)

“Пудратчи”

«Фозилбек Пласт Сервис» МЧЖ

Манзил: Косонсой т.

Тел/Факс 97-250-19-27

Х/р 2020 8000 9003 8997 7001.

АТБ Микрокредит банк Косонсой булими.

МФО 01049 ИНН 303046596

Махмудов Яхъёҳон

М.Ў

(Имзо)

Хуқуқий экспертиза-хулосаси

Ушбу пудрат шартнома лойихасини амалдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида хуқуқий экспертиза қилиб, шартнома лойихаси қонунчилик ҳужжатларига мос келишлигини аниқладим.

Шу сабабли, ушбу шартномани имзоласа бўлади деб ҳисоблайман.

Компания хуқуқий маслаҳатчиси

К.Тулашев «___» _____ 2022 й.

**Қурилиш қалтисликларидан суғурта қилиш бўйича
№ 08/15-11-05569-001 – сонли ПОЛИС**

АЖ «GLOBAL INSURANCE GROUP» Суғурта Ташкилоти Мол-мулкни суғурта қилиш қондаларига таяниб 2022_ «29» ноябрдаги №08/15-11-05569-сонли қурилиш қалтисликларини суғурта қилиш шартномасидаги ва қуйидаги шартлар асосида Суғурта қилдирувчининг мулкий манфаатларини суғурта ҳимояси билан таъминлайди::

Суғурта қилдирувчи: «ФОЗИЛБЕК ПЛАСТ СЕРВИС» МЧЖ

Бино этилаётган объект: Наманган вилояти Учқургон тумани Саноат МФЙ Байналминал кучасидаги 2-сонли куп қаватли турар-жой биносини том қисмини замонавий тунка томга алмаштириш ва фасад қисмини таъмирлаш.

Объектнинг суғурта қиймати(бахоси): 487 395 821,00 (турт юз саксон етти миллион уч юз туксон беш минг саккиз юз йигирма бир) сум

Қопланаётган хавфлар(қалтисликлар) Модий зарар бўйича суғурта суммаси: Суғурта мукофоти: Суғурта шартномасига асосан 389 916 656,00 (уч юз саксон туккиз миллион туккиз юз ун олти минг олти юз эллик олти) сўм 00 тийин Суғурта шартномасига асосан: 1 357 453,00 (бир миллион уч юз эллик етти минг турт юз эллик уч)сум

Суғурта муддати: 29.11.2022.йилдан 01.03.2023 йилгача

Суғуртани амал қилиш ҳудуди: Наманган вилояти Учқургон тумани Саноат МФЙ

«GLOBAL INSURANCE GROUP» АЖ
Наманган вилоят филиал раҳбари:

Дедабаев.Д.А



